



414-хижрий йил Рамазон ойининг 16-санасида (1023 йил 2 декабрда) Куртуба Жоме масжидида шаҳар аҳолиси ал-Мустазхир биллох («Аллох ёрдамида галаба қозонувчи») лақабини олган янги халифа Абу Мутарриф Абдуррахмон V ибн Хишамга қасамёд қилади. Тарихчиларнинг гувоҳлик беришича, Куртубанинг 14-халифаси жуда яхши тарбия топган, сўзамол, шоиртабиат эди. Ҳокимият тепасига келгач, 22 яшар Абдуррахмон V давлат лавозимларидан бирига тез орада буюк ислом олимига айланадиган ибн Хамзани тайинлайди.

Шу билан бир пайтда, бу Куртуба халифалиги учун жуда мураккаб давр эди. Уни турли гуруҳлар ўртасида ҳокимият учун кураш ва ички зиддиятлар тилка-пора қилганди. Қасамёддан сўнг уммавийлар сулоласидан бўлмиш Абдуррахмон V реал ҳокимиятга эга эмасди ва давлатдаги вазиятни назорат қилмасди. У давлатдаги айрим лавозимларни аввалги уммавий халифаларга хизмат қилган вазирларга қайтаради. Ўз мавқеини мустаҳкамлашга интилиб, халифа шаҳарнинг араб аҳолиси улардан нафратланадиган

берберларга таянишга қарор қилади. Ижтимоий пиллапоёда берберлар ёлланма аскарлар ролини ўйнаб, араб элитасини уларга қарам қилиб қўйганлар. Куртуба армиясига асос солган берберларга таяниш ёш халифа учун халокатли хато бўлиб чиқди. Орадан етти ҳафта ўтгач, аристократия томонидан қўзғалган тўда халифанинг саройига ҳужум қилиб, қароргоҳда бўлган барча аъёнларни ўлдирди. Абдуррахмон томонидан қўллаб-қувватланган Куртубадаги барча берберлар ҳам ҳалок бўлган. Агдарилган халифанинг амакиси Муҳаммад III ҳокимият тепасига қелиб, жиянини қатл эттирди.

Абу Муслим таржимаси